

Бюджет, хўжалик юритувчи ташкилотларга маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиш кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича 2666- сонли Шартнома

« 24 » январ 2022й.

Самарканд ш.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Самарканд шаҳар “Мароканд обод” ДУК номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (қуйида «Ижрочи» деб юритилади) – Ш.Насимов ва Низом асосида иш юритувчи _ Сам ТТБ номидан Сувонов.Т (қуйида «Истеъмолчи» деб юритилади)

(Лавозими Ф.И.Ш)

қуйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзолади:

1. Шартнома предмети

- 1.1. Мазкур шартнома қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.
- 1.2. «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун тўловларни “Ижрочи” га ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга мажбур.
- 1.3. Томонлар қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари”га риоя қилишни ўз зиммаларига оладилар.

2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 2.1. Юридик шахслар маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги №-5580 Фармони асосан, 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдидан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса — календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириш шарт. Қуйидаги чиқиндилар олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар алоҳида шартнома асосида келишилган нарх эвазига амалга оширилади.
- 2.2. Қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади.
- 2.3. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолатнома тузилади. Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун асос ҳисобланади. Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зийн етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари томонидан имзолари бўлгандагина далолатнома ҳақиқий ҳисобланади. Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўхташига ҳақлидир.
- 2.4. Ижрочи Истеъмолчининг чиқинди сақлаш контейнердаги маиший чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда “Йўналиш варақасига” ва буюртмачини аризасига бажарган ишлари юзасидан белги қўйдиради. Маиший чиқиндини умумий тўпланиши м3 ҳисобида белгиланади.
- 2.5.

№	Хизмат тури	(М3) Метр куб ҳисобида (ККС билан)	Микдори	График асосида ҳафта кунларини кўрсатиш	Шартнома суммаси	
			Метр куб ҳисобида		Бир ойда	Бир чорақда (январ, феврал ва март ойлари)
1	Чақиров (Заявка) асосида	60 222,05	18	Сешанба Пайшанба Шанба	361332,30	1083996,90

1083996,90 (Бир миллион саксон уч минг туккиз юз туксон олти сум туксон тин) ташкил этади.

3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;
шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларидан фойдаланиш;
Ижрочидан қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;
Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочиға ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;
хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш;
шартнома тузилаётганда, қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, санитария меъёрлари ва қоидаларида белгиланган сўнгги муддатлардан кечиктирмай хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш;
қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.
Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;
қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни, уларни тегишли турларга ажратган ҳолда, бир мартаба ишлатилмаган алоҳида пакетларга дастлабки саралашни амалга ошириш;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №-787-сонли қарорининг 26об, 36об, 56об ва 66обларга риоя қилиниши шарт, 2002 йил 5 апрелдаги “Чиқинди тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этишга; чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга; чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар. қаттиқ маиший чиқиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, ариқ ва каттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлақлар ва кўчаларнинг транспорт юрадиған қисмига ташламаслик;
қаттиқ маиший чиқиндиларни Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига ортиш учун ортиш жойига бемалол ўтишни таъминлаш;
чиқинди тўплаш контейнерлари, чиқинди тўплаш шохобчалари, чиқинди тўловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрида Ижрочини дарҳол хабардор қилиш;

Кўриб чиққан юрист: XOLMURODOV BEKZOD BAXODIROVICH. Ҳужжат рақами: RX1405072252

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Ижрочи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4% пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим;

Чиқиндиларни қорхона ҳудудида ва руҳсат этилмаган жойларда қўмиб ташлашга йўл қўймаслик;
Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан қоралар кўришга, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўлиғини талаб қилишга ҳақли.
Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

белгиланган муддатларда каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;
қонунчиликда, мазкур Қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш;
каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини таъбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;
каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мувожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;
аҳолининг тўлиқ қамраб олиншини таъминловчи ва қонунчилик талабларига мувофиқ, зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилишини амалга ошириш;
чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;
каттик маиший чиқиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;
аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек аτροφ муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);
каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киришидан 15 кун аввал Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиб йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш;
Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш қораларини қўллаш;
каттик маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.
Маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Истеъмолчининг жавобгарлиги:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;
каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;
хонадонда ёки хусусий уй-жойда истикомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;
шартнома шартларида кўзда тутилган каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни махсус ажратилган жойларда тўплаш тартибининг бузилиши.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;
Каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;
Хизматлар кўрсатиш ва камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманиннг ўз вақтида тўланмаганлиги;
Ўз фойдаланишида бўлган қўриқланувчи ва қўриқланмайдиган контейнерли чиқинди тўплаш шохобчаларининг техник ҳолати;
хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

6. Форс-мажор

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Кўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий ҳагги-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
7.2. Шартнома ижроси бўйича юзага келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, низолар амалдаги қонунчиликка асосан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Шартноманиннг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сақланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга кирилади.
8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик булинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган қундан бошлаб кучга кирилади. Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси Қоидалари" га асосан амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.
8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.
8.4. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган бошқа масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари"га амал қилишади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

"Ижрочи"

Самарқанд шаҳар "Мароқанд обод" ДУК

Манзил: Самарқанд шаҳри,

Фирдавсий кўчаси 135 уй

Тел: +998 66 237-06-89; +998 66 237-17-15

Ўзмилийбанк Самарқанд бўлими

Х/р: 20208000900273927001

МФО: 00278, СТИР: 207201815

Директор

М.Ў.

"Истеъмолчи"

Сам ТТБ (пол-ка)

Манзил: Сам тум У.Самиева 33

Тел: 616,2152

Х/р.100022860182337072110054001

ИНН: 200776137

Ғазначилик булинмасининг номи

ЯТХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи:Марказий банкнинг

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси МФО:00014

Ғазначилик булинмасининг ИНН 201 122 919

Сувонов.Т

(ФИШ рақбар)

М.Ў.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**
2. Loyihaning nomi: **“Maroqand obod” DUK bilan tuzilgan 2666-sonli maishiy chiqindilarni to'plash va olib ketish (1-chorak) to'g'risida shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Samarqand tumani TB tomonidan 23.01.2022-yil
ishlab chiqilgan va 24.01.2022-yilda tizimga takroran kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022-yil 24-yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti



B.B. Xolmurodov

Приложение № 1
к договору Мароканд Обод ДУК №
2022й

по-ка

Квартал месяцы	Машиный чикинди	Тарифная цена по состоянию 2022год	Сумма Всего (сум)
Год Всего	18,00	60222,05	1083996,90
1 квартал	18,00	60222,05	1083996,90
Январ	6,00	60222,05	361332,30
Феврал	6,00	60222,05	361332,30
Март	6,00	60222,05	361332,30
2 квартал			
Апрел			
Май			
Июн			
3 квартал			
Июл			
Август			
Сентябр			
4 квартал			
Октябр			
Ноябр			
Декабр			

Квартал месяцы	Машиный чикинди	Тарифная цена по состоянию 2022год	Сумма Всего (сум)
Год Всего	18,00	60222,05	1083996,90
1 квартал	18,00	60222,05	1083996,90
Январ	6,00	60222,05	361332,30
Феврал	6,00	60222,05	361332,30
Март	6,00	60222,05	361332,30
2 квартал			
Апрел			
Май			
Июн			
3 квартал			
Июл			
Август			
Сентябр			
4 квартал			
Октябр			
Ноябр			
Декабр			

"Поставщик"

Мароканд обод ДУК
(наименование организации)

Сам ТТБ
(наименование организации)

(подпись) Сувонов.Т
(Ф.И.О.)

М.П.

"Потребитель"

Мароканд обод ДУК
(наименование организации)

Сам ТТБ
(наименование организации)

(подпись) Сувонов.Т
(Ф.И.О.)

М.П.

"Поставщик"

Мароканд обод ДУК
(наименование организации)

Сам ТТБ
(наименование организации)

(подпись) Сувонов.Т
(Ф.И.О.)

М.П.

"Потребитель"

Мароканд обод ДУК
(наименование организации)

Сам ТТБ
(наименование организации)

(подпись) Сувонов.Т
(Ф.И.О.)

М.П.